Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши.
28 ИЮНЬ 1971 й.
ДУШАНБА
№ 150 (1525).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи

ТОШКЕНТ—СИРДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИГА

Яқинда Сирдарё область пахтакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Улар беш йилликнинг биринчи йилида юқори ҳосил олиш учун курашнинг навбатдаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пахтакорлар кенгашида Тошкент шаҳар партия комитети биринчи секретари С. Р. Расулов ва Сирдарё область ҳўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатаётган Тошкентдаги коллективлар вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларини мирзачўллик пахтакорлар билан дўстлик алоқалари бирлаштирган. Тошкентликлар пахтакорларга катта ёрдам кўрсатаяптилар. Улар қишлоққа техника юбормоқдалар, механизатор кадрлар тайёрлаб бермоқдалар, чорвачилик фермалари ва дала шийпонларини жиҳозлашда кўмаклашмоқдалар, йўлларни ремонт қилиб бермоқдалар, колхоз ва совхоз посёлкаларини телефонлаштирмоқдалар. кузда эса «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда пахтакор билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Ўз навбатида деҳқонлар шаҳарликларга дала маҳсулотлари етказиб бермоқдалар, тошкентликларнинг ҳушманзара жойларда дам олишларини ташкил қилишда ёрдам бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1970 йилдаги тарихий июль Пленумидан кейин оталиқ алоқалари янада мустаҳкамланди. Ўтган йили Тошкент меҳнаткашлари деҳқонларга турли-туман ишларда ёрдам бердилар. Улар ҳозир ҳам «Ўроқ ва Болға» иттифоқини мустаҳкамлашни давом эттирмоқдалар, бунга давлат аҳамиятидаги иш сифатида қарамоқдалар.

Сирдарё меҳнаткашлари бу йил юқори ҳосил етиштириш ва Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар.

Кенгашда улар саноат, қурилиш, транспортдаги оталиқ ташкилотларга мурожаат қилиб, уларни олдинга қўйилган вазифани ҳамкорликда ҳал қилишга чақирдилар. Тошкентликлар бу ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Шаҳардаги Киров, Чилонзор, Октябрь, Куйбишев, Фрунзе, Ҳамза, Ленин ва Собир Раҳимов райони коллективлари Сирдарё областидаги Гулистон, Боёвут, Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор, Сирдарё, Ворошилов районлари хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатадилар.

Бугун биз Ўзбекистон пойтахтидаги айрим коллективларнинг сирдарёликларга кўрсатаётган ёрдами натижалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Утган ҳафта Тошкент сут комбинатининг ремонтчи-слесарлар бригадаси Сирдарё областидаги «Ленинизм» колхозидан қайтиб келишди. Корхонанинг бош механиги А. Жалилов раҳбарлигида 15 мутахассис қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиб бердилар.

Бундан ташқари, А. Сивухин бошчилигидаги дурадгорлар бригадаси ҳам дала меҳнаткашларининг бир талай юмушларини бажариб беришди. Улар терим мавсуми учун устки ёпиқ хирмонлар ва хўжалик биноларини шайлаб бердилар.

Дала меҳнаткашлари шаҳарлик дўстларига ўзларининг миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

МЕБЕЛСОЗЛАР ЁРДАМИ

Яқинда 1-мебель фабрикасининг вакиллари Мирзачўлдаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозида бўлишди. Бундан мақсад қишлоқ меҳнаткашлари нимага зориқаётганликларини билиш эди.

— Биз учун автомобиль кузовларни тайёрлаб берасизларми? — деб сўрашди совхоз раҳбарлари.

Мебелсозлар кейинги ярим йил ичида тежамкорлик асосида меҳнат қилиб, бир неча ўн кубометр тахтани тежаб қолдилар ва ишлаб чиқаришга путур етказмаган ҳолда қишлоқликлар эҳтиёжини қондиришга қарор қилдилар.

КЎЧМА УСТАХОНА

Бугун

Сирдарё область Ильич районидаги Герман Титов номли 6-совхозга кучма ремонт устахонаси бўлган махсус машина келди. Уни Тошкент лак-бўёқ заводининг коллективи ўз оталигидаги хўжаликка юборди. Бунгача заводнинг шундай сайёр машинаси бутун экиш мавсуми давомида совхознинг дала шийпонларида хизмат қилганди.

Бундан ташқари Сирдарёдаги «Сельхозтехника» ва «Главупрснаб» базалари заводдан қишлоқдаги янги объектларда, совхоз ва колхозларнинг устахоналари қурилишида фойдаланиш учун шу йилнинг беш ойи мобайнида 40 тонна юқори сифатли бўёқ ва эмаль олдилар.

Илтимос қондирилди

Юк ташиш автотрести коллективи Мирзачўл районидаги 18-совхознинг ишчи ва хизматчилари билан дўстлик алоқалари ўрнатишганига талай вақт бўлди.

Хўжалик юк машиналарининг анча катта паркига эга, шу сабабли ҳам машиналар ремонтида баъзан қийинчиликлар пайдо бўлиб туради. Мана шундай оталиқ ёрдами жуда асқотади. Автотрестдагилар дўстларига эҳтиёт қисмлар юбориб турадилар, транспортнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берадилар.

Яқинда совхоз раҳбарлари трестда бўлишди. Улар авторезналар ва айрим камёб эҳтиёт қисмлар беришни, ишдан чиққан узель ва агрегатларни ремонт қилишда ёрдам кўрсатишни илтимос қилдилар. Бу илтимос қондирилди.



«Союзхлопкомаш» заводи машинасозлари мамлакатдаги пахта заводлари ва пахта тозалаш саноати учун турли хил машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтиряпти. Ҳозир 3-цехда янги маркали пахта тозалаш машинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

СУРАТДА: Сирдарё области пахта заводлари учун тайёрланган машиналар. Цех бошлиғи К. Ким ва слесарь-йиғувчи Филипп Привер янги агрегатлар йиғиладиган участкада.

М. Нуриддинов фотолари.

МАШИНАЛАР САФ ТОРТДИ

Пахта йиғим-терими мавсуми яқинлашган сари Сирдарё областига тобора кўпроқ «зангори кема»лар юборила бошлайди.

Фақат шу ойнинг ўзида область хўжаликларига «17ХВ-1,8Б» маркали, кенг қаторли пахта териш машиналаридан 450 таси юборилди. Пахтачилик хўжаликларида тўрт қаторли «Ўзбекистон» машиналаридан анчагинаси йиғим-теримга тахт ҳолда турибди.

Сирдарё область хўжаликларида пахта терадиган ажойиб — тўрт қаторли «ХН-3,6» маркали машинанинг дастлабки намунаси синовдан ўтган. Бу йил «Ташсельмаш» яна шундай машиналардан 50 тасини ишлаб чиқараяпти. Улардан кўпчилиги оталиқдаги область хўжаликларига юборилади.

СОВХОЗДА КОНЦЕРТ БЕРГАНИ

Кечқурун, ишдан кейин «Ташгазаппарат» заводининг клубида аккордион жўрлигида қўшиқлар янграйди. Булар бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари. Улар Пахтакор районидаги ўз оталиқларидаги «Пахтакор» совхозига сафар қилиш олдидан репетиция ўтказишяпти.

Завод эстрадаси бир неча йилдан бери совхознинг дала шийпонларида концерт кўрсатишни одат қилиб олган.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари билан бирга Мирзачўлга сиёсий ахборотчилар ҳам боришади. Август ойида эса, у ерга қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган сайёр машина юборилади. Завод коллективи ўз оталиқларидаги хўжаликнинг деҳқонларига пахта йиғим-теримига тайёргарлик пайтида ҳам, йиғим-терим мавсумида ҳам катта ёрдам кўрсатишади.

Қишлоқликлар заводга ҳам келиб туришади. Улар бу ердан қора прокат, шестернялар, подшипниклар ва бошқа эҳтиёт қисмлар олиб кетишади. Утган йили завод вакиллари ўз оталигидаги совхоз коллективига Қизил байроқ тақдим қилишди ва шундай дейишди:

— Бу байроқ социалистик мусобақада қайси бригада биринчиликни қўлга киритса, ўша бригадага берилсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Студентларнинг қурилиш отрядларида қатнашиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий-маиший объектлар қурилишида зарбдор ишлаганликлари, аъло ўқиётганликлари ва катта жамоатчилик ишлари билан шуғулланаётганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1971 йил 25 июнь Фармонига биноан студентлар қурилиш отрядларининг алоҳида намуна кўрсатган иштирокчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида Тошкент шаҳридан қуйидагилар бор:

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Назаров Ҳамидулла Ҳодиявич — Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуқодиров Равил Ваҳобович — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг студенти.

Қаҳҳоров Аъло Аброрович — Тошкент Политехника институтининг студенти.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ярим йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 3,5 процент ортди. Рўмолларга гул солишнинг ўттиздан ортиқ тури ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Тўқимачи беш йилликнинг дастлабки ярим йилида катта ютуқларни қўлга киритган фирма ишчи ва хизматчилари ой охиригача пландан ташқари яна 445 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга қарор қилдилар.



«Узбексельмаш» заводининг машинасозлари мамлакатимиз пахтакорлари учун ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналари комплексини кўплаб ишлаб чиқараётирлар.

СУРАТДА: корхонанинг зарбдор созловчи слесарларидан З. Мингалиев ва Д. Кудрунко навбатдаги кенг қаторли сеялкани йиғаяптилар.

САРАТОН НЕЪМАТЛАРИ

Шу кунларда Тошкент аэропорти ходимларининг юмушлари кўпайиб боряпти. Улар колхоз, совхозлардан келтирилаётган саратон неъматларини бепоён Ватанимизнинг узоқ шаҳарларига пешма-пеш жўнатмоқдалар.

Аэропортнинг юк ортиш бўлимида Уфа, Магадан, Петропавловск-Камчатка, Челябинск, Новосибирск, Иркутск каби шаҳарларнинг номлари тез-тез такрорланмоқда.

Пўлат қанотли ҳаво кушлари бу шаҳарларга олма, помидор, олча ва бошқа неъматларни олиб парвоз этмоқда. Ширин-шакар мевалар-ни Калинин ва Оржоникидзе районларининг азамат деҳқонлари юборишмоқда.

Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг боғбонлари Монголия Халқ Республикасидаги дўстларини ўз меҳнатлари билан мамнун этадиган бўлдилар. Қардош мамлакатга иккита «АН-12» самолёти парвоз қилди. Уларга совхоз боғбонлари етиштирган 24 тонна олча жойланган.

Аэропорт ходимларининг маълум қилишларича, бошқа мамлакатларга ҳам Ўзбекистон нозу-неъматлари юборилиши мўлжалланмоқда.

Беш кунлик ва дам олиш

ЯХШИ ДАМ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

ҲАММА НАРСА МУҲАЙЁ

«Таштекстильмаш» заводининг дам олиш зонаси Янгийўл районидаги Халқобод посёлкасида жойлашган. Бу ердаги ошхона, янги қурилган чойхона, рақс майдончаси, ўйин майдонлари дам олувчилар хизматида. Бўсусв ариғи, қалин дарахтзор салқини кишига ором бағишлайди.

— Учта катта корпусда 150 га яқин киши дам олиши мумкин, — дейди завод ишчилар комитети раиси ўринбосари Б. А. Акрамов, — ҳар бир хона 2—3 кишига мўлжалланган. Унда барча қулайликлар мавжуд. Утган шанба куни бу ерда 130 киши дам олди.

Биз, бундан ташқари, энг яхши ишчи ва хизматчиларга дам олиш уйларига арзон нархда йўлланмалар бермоқдамиз.

Ҳар шанба куни заводимизнинг балиқ ови ишқибозлари Арнасой кўлига ва Чордара сув омборига йўл олишади. Улар ҳам дам олиб, ҳам ўлжа билан қайтадилар.

ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН

Утган дам олиш куни заводимиз ишчилари учун бир байрамдай бўлди. 6 ойлик ишлаб чиқариш плани муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан, Тошкент денгизига саёҳат уюштирдик. Ишчиларимиз оила аъзоларини биргаликда кўнгилли ҳордиқ чиқардилар.

Бундан ташқари Оқтошга, Сирдарё бўйларига ҳам бориб дам олиб қайтдик.

Ишчиларимиз орасида балиқ ови ишқибозлари жуда кўп. Уларга алоҳида машиналар ажратдик. Балиқчиларимиз Арнасой массивига, Сирдарё бўйларига бориб ов гаштини суришди.

Куни-кеча, бир гуруҳ ишчиларимиз Болгария бўйлаб туристик саёҳатдан қайтиб келишди. Заводнинг бир неча ишчиси эса Исиқкўлдаги пансионатда ҳордиқ чиқармоқда.

Яхши дам — яхши кайфият. У меҳнат фаолиятини яхшилайди. Кўнгилли ҳордиқ чиқарган ишчининг иши унумли сербарака бўлади.

Х. МАНСУРОВ,
«Газаппарат» заводи директори.

Ўқишга кирувчилар учун

Навқирон ўқув даргоҳи

Ю. А. Гагарин номидаги Тошкент авиация техникумида янги ўқув йили учун абитуриентлар қабул қилиш бошланди. Мухбиримиз ўқув юрти директорининг ўринбосари Фёдор Петрович Швец билан суҳбатлашди.

— Ўқув юртимиз фақатгина Ўрта Осиёдагина эмас, балки Иттифоқда йирик техникумлардан бири. Уни 1948 йили бор-йўғи 48 киши битирган бўлса, эндиликда бу рақам 735 га етди. 1948 йилдан 1971 йилгача 9 минг мутахассис тайёрланди.

Бизда самолётсозлик, металларни совуқ ҳолда қирқиб ишлаш, инструментлар ишлаб чиқариш, саноат ускуналарининг монтаж-ремонти, машинасозлик саноатида планлаштириш мутахассислиги бўйича кадрлар етиштирилаяпти.

Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш», Тошкент трактор заводларида билим юртимизнинг кечки бўлимлари бор.

Техникумда ўқишлар рус, ўзбек тилларида олиб борилади. Э. Иноғомжонов, Ш. Рустамов, В. Икромов, Ж. Мамадалиев каби аълочи студентларимизнинг диплом ишлари аъло баҳоланиб, ишлаб чиқаришга тақдим этилди.

Лабораторияларимиз қаторига бу йил аэродинамика лабораторияси қўшилди.

— Бу йил қанча ўқувчи қабул қилинади. Уларга қандай имтиёзлар берилади?

— Кундузги бўлимга 330, кечкига 500, сиртқига 75 ўқувчи қабул қилинади. Аълочилар, медалистлар, шунингдек, Совет Армияси сафида муддатидан ортиқ хизматда бўлганлар ва запасга бўшатилганлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Шаҳримизнинг маданият ва истироҳат боғлари меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатаяпти. Сиз суратда М. Горький номидаги истироҳат боғининг болалар майдончасини кўриб турибсиз. Бу ерда кичкинтойларнинг кўнгилли дам олишлари учун турли хил аттракцион ўйинлар мавжуд.

Интернат лагерида

Тошкентдаги инглиз тили бўйича махсус интернат-мактаб ўқувчиларининг ёзги каникули ҳам кўнгилли бошланди.

Болалар интернатининг Октябрь районидаги пионер лагерида ором олмоқдалар. Серқосил мевали дарахтлар, анвойи гуллар бағрида жойлашган бу оромгоҳ кун бўйи гавжум.

Лагер директори А. Бельцова бундай деди:

— Ҳозир 200 бола дам олмоқда. Келгуси ойда ҳам шунча ўқувчини бағримизга оламиз. Бу ерда ҳамма шароит муҳайё. Тарбиячилардан Н. Абдувалиева, Т. Абдураҳмонов ва бошқалар болаларнинг кўнгилли дам олишига бош-қош бўлмоқдалар.

АУТСАЙДЕРЛАР ОЧКО ТЎПЛАМОҚДА

Кеча мамлакатимизнинг турли шаҳарларида олий лига командалари ўртасида футбол бўйича Совет Иттифоқи биринчилигининг 13-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу турнинг характерли хусусияти, шунда эдики, унда мусобақа пешқадамлари билан турнир жадвалининг сўнгги ўринларини эгаллаб турган аутсайдерлар учрашди. Бу ўйинларнинг натижаси чемпионатда кучсиз «команда йўқ эканлигини яна бир карра тасдиқлади.

Шу куни Тошкентда пахтакорчилар ўзларининг азалги рақиблари Олмаота шаҳрининг «Қайрат» футболчиларини қабул қилдилар. Шуни айтиш керакки, бу коллективларнинг ҳар бир учрашуви уларнинг мамлакат биринчилигида қандай ўринни эгаллаб турганларидан қатъий назар, ҳамиша қизғин, кескин кураш вазиятида ўтади.

Командаларнинг бу сафарги учрашуви ҳам қизиқарли ўтди. Шунга қарамай командалар танаффусга 0:0 ҳисобида чиқиб кетишди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида пахтакорчилар биринчи бўлиб муваффақиятга эришдилар. 56-минутда учрашув судьяси Иброҳимовни жарима майдонида қўпол йиқитганликлари учун олмаоталиклар дарвозасига 11 метрли жарима тўпини белгилади. Пенальтини пахтакорчи Кузьмин муваффақиятли бажарди. Ўйиннинг 73-минутида эса Тягусов Дишленко узатиб берган тўпни майдон эгалаши дарвозасига киритишга муваффақ бўлди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

Сўнгги уч учрашувни Тошкентда ўйнаётган пахтакорчилар ўз дарвозаларидан фақат биргина тўп ўтказдилар. Бундан аввалги 10 учрашувда 16 тўп ўтказиб юборган коллектив учун бу яхши кўрсаткич. Аммо, коллективнинг яна бир кўрсаткичи томошабинларни ҳам, футболчиларни ҳам, тренерларни ҳам ташвишга солмоқда. Пахтакорчилар сўнгги беш учрашувда рақиблар дарвозасига биттагина тўп киритишди.

Кечаги турда мусобақа пешқадамлари Киев динамочилари Львов шаҳрида «Карпати» командасига 1:3 ҳисоби билан, Ереванниг «Арарат» футболчилари эса Ростов-Дон армиячиларига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади. «Динамо» (Тбилиси)—«Нефтчи» — 1:0, «Динамо» (Минск) — «Спартак» — 2:0, «Шахтёр» — «Заря» — 1:0, «Зенит»—«Динамо» (Москва)— 1:0, «Торпедо»— МАСК — 0:0.

АЪЛО ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!

ТОШКЕНТ МИЛИЦИЯ ГАРНИЗОНИ ХИЗМАТ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ОРГАНЛАРИ ВА БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ШАХСИЙ СОСТАВИГА

МУРОЖААТИ

Партиямиз XXIV съезди олға томон ҳаракатимизнинг янги, ажойиб истиқболларини белгилаб берди. Мамлакатимиз бўйлаб тўққизинчи беш йиллик одим ташламоқда.

КПСС XXIV съездининг қарорларида ҳаётимизнинг барча соҳалари акс этган. Ҳар галгидек, бу сафар ҳам партия планларининг диққат марказида — инсон ва унинг бахт-саодати турибди.

Барча совет кишилари қатори, Ички ишлар органларининг ходимлари ҳам КПСС XXIV съезди қарорларини яқдиллик билан маъқуллайдилар. Биз — Ички ишлар органларининг ходимлари учун Ватанга, партия ва халққа садқидилдан, халол хизмат қилишдан кўра, социалистик мулкчиликни, жамоат тартибини, коммунизм қураётган совет граждапларининг ҳуқуқини кўз қорачиғидек муҳофаза қилишдан кўра шарафлироқ вазифа йўқ.

Биз, Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ходимлари хизмат бурчимизни мардлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри — Тошкентда адо этаяпмиз.

Тошкент гарнизони Ички ишлар бўлинмаларининг шахсий состави эътиборни хизмат фаолияти савиясини ва маданиятини ошириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга қаратиб, ўз профессионал тайёргарлигини такомиллаштиришда, аълочи бўлинмалар ва илғорларнинг тажрибаларини мунтазам ўрганмоқда, тартиб бузувчиларга қарши курашнинг энг самарали ва илғор методларини жорий этмоқда. Буларнинг ҳаммаси жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар органларининг активлигини ошириб юборди, социалистик қонунчиликнинг бузилиш ҳолларини камайишига ва милиция мавқеининг мустаҳкамланишига олиб келди.

Аммо ана шу тадбирлар натижасида пойтахт Ички ишлар органларининг фаолияти тубдан яхшиланди, деб бўлмайди. Биз КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга жорий этиш учун улкан вазифаларни ҳал этишимиз кераклигини, жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтиришимиз, профессионал маҳоратимизни оширишимиз, социалистик қонунчиликни ва хизмат интизомини мустаҳкамлашимиз лозимлигини жуда яхши тушунамиз.

(Давоми 2-бетда).

АЪЛО ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК!

(Боши 1-бетда).

Биз, Тошкент гарнизонининг илғорлари, Ички ишлар бошқармаси бўлинмаларининг барча ходимларини КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга жорий этиш бўйича ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олишга чақирамиз ва уларни қуйидаги вазифаларни бажаришга даъват этамиз:

—жиноятни очиш учун мавжуд бўлган куч ва воситалардан тўла фойдаланилсин, патруль-соқчилик хизмати, навбатчи қисмларнинг, барча оператив составнинг тайёргарлиги ва сафарбарлиги мунтазам ошириб борилсин, хизмат фаолиятининг илғор усул ва формалари кун сайин жорий этилсин; ҳар бир милиция ходими қонунга жиддий риоя қилиш ва юксак хизмат маданияти милиция олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим шарти эканлигини билиб олиши керак;

— Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бўлинмаларининг жиноятчиликка қарши курашда ва жамоат тартибини сақлашдаги фаолиятини тубдан яхшилашга эришайлик;

— жиноятчиликни йўқотиш бўйича тадбирларни амалга оширишда мажбурий чоралар билан бирга, адашган, тартибни қасддан бузмаган ва жамиятга кўпроқ хавф туғдирмайдиган кишиларга нисбатан жамоатчилик таъсирини ўтказиш тадбирларини қўшиб олиб бориш лозим;

— жиноятни ҳеч кечиктирмай изма-из очиб ташлаш ишларини такомиллаштирайлик;

— олдини олиш-профилактика ва оператив-қидирув ишлари мунтазам яхшилансин, жиноятни тўла очиб ташлашга, унинг олдини олишга эришайлик; аҳоли ўртасида совет қонунларини кенг пропаганда қилайлик, бунда матбуот, радио, телевидение ва милиция ходимларининг меҳнаткашлар коллективлар олдида чиқишларини уюштириш лозим;

— жиноят-қидирув органларининг ходимлари ўз эътиборларини жиноятга қарши курашнинг туб масалаларини ҳал этишга қаратишлари, энг хавфли жиноятларни очиб ташлаш ва уларнинг олдини олиш, шу жумладан йирик жиноятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширишлари керак;

— бундан буён ҳам балоғатга етмаган ёшлар ўртасида тартиб бузувчиларга қарши курашга алоҳида эътибор берилсин. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида содир бўладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини кучайтириш мажбурлигини оламиз;

— БХСС ходимлари меҳнаткашлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, давлат ва хусусий мулкнинг талон-тарож қилинишига қарши курашни кучайтирсинлар. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган коллективларда профилактика ишларини янада юксак савияга кўтарайлик. Майда ўғирликларга қарши курашга жамоатчиликни кенг жалб этайлик. Талон-тарож қилинган моддий маблағларнинг тўла қайтарилишига эришайлик;

— ташқи хизмат ва паспорт аппарати ходимлари кўнгилли халқ дружиначиларининг ёрдамига таяниб, безорилар, ичкиликбозлар, социалистик жамият, тартибни бузувчиларга қарши кескин кураш олиб боришлари, шаҳарда намунали паспорт режими ўрнатилишини таъминлашлари лозим;

— соқчи ва патруллар хизматини ҳушёрлик билан олиб боришлари, ўз зоналарида ва маршрутларида жамоат тартибининг бузилишига йўл қўймасликлари керак;

— участка инспекторларининг, навбатчи қисмларнинг қабул қилиш-тақсимлаш, медицина ҳушёрхоналарининг безорилик, ичкиликбозлик ва дайдиликка қарши курашини кучайтириш, уларнинг фаолиятини ташкил этишнинг энг самарали формаларини вужудга келтириш учун ташқи хизмат аппаратларининг масъулиятини ва ташкилотчилик ролини оширайлик;

— участка инспекторларининг улар хизмат қилаётган участкаларда жамоат тартибини муҳофаза қилишни ташкил этиш ва тартиб бузилишининг олдини олиш учун масъулиятни оширилсин; намунали тартиб ўрнатилган участка номи учун социалистик мусобақа авж олдирилсин;

— совет савдоси қондалари бузилишининг олдини олиш учун мунтазам равишда оммавий рейдлар уюштириб турилсин;

— тергов аппарати ходимлари тергов ишлари сифатини яхшилашга, жиноятни очиш муддатининг чўзилиб кетишига йўл қўймасликка эришишлари, терговни юксак савияда олиб боришлари, ҳар бир ишнинг келиб чиқиш моҳиятини ва сабабини чуқур ўрганишлари, уларнинг олдини олиш учун зарур тадбирларни кўришлари лозим;

— ГАИ-РУД ходимлари ўз эътиборларини кўча ҳодисаларининг олдини олишга, шаҳар автохўжаликларида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини пропаганда қилиш ва профилактика ишларини кенг ёйишга қаратсинлар;

— ўт ўчирувчилар ва водомосводан ташқаридаги қоровуллик хизмати ходимлари социалистик мулкчиликни ва граждалар мулкини сезгирлик билан муҳофаза қилишсин, ёнғинларнинг ва муҳофаза қилинаётган объектларда ўғирликнинг олдини олишлари, ёнғин-техника комиссияси ишини активлаштиришлари, барча саноат объектларини, базаларни, омборларни автоматик ўт ўчириш, қоровуллик хизмати сигнализацияси билан таъминлашлари лозим;

—тартиб бузилиши ҳолларининг олдини олиш ишларини актив ва мунтазам олиб борайлик, қидирув ва жиноятларни фош этиш тадбирларини оператив равишда олиб боришда фан ва техника воситаларидан кенг фойдаланайлик;

— барча бўлинмаларда кадрларнинг голиб савияси юксак бўлишига, ходимларни совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги, коммунизм ишига содиқлик руҳида тарбиялашга эришайлик;

— ҳар бир ходимнинг оператив маҳорати, сиёсий ва хизмат тайёргарлигини мунтазам равишда ошириб борайлик, хизмат интизомини мустаҳкамлайлик;

— орган ва бўлинмаларнинг бошлиқлари ва командирлари, сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича аппаратларининг ходимлари партия ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда тартибни муҳофаза қилувчи, оғир, интизомли солдатларни тарбиялашга актив ёрдам беришлари лозим;

— Тошкент милицияси органлари ва бўлинмаларининг барча терговчилари ва оператив ходимлари беш йилликнинг охирига қадар олий ва ўрта махсус билимга эга бўлишсин;

— Ички ишлар бошқармасининг барча хизматчилари мунтазам равишда ўз оператив маҳоратларини оширишлари, экипаж, наряд, оператив группа ва командаларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашлари; ҳар бир ходимнинг фан-техника воситалари билан мукаммал равишда фойдалана олишига, уни амалда актив қўллашга эришишлари лозим;

— бўлинмаларда ташкилотчилик ишлари яхшилансин, топширилган ишнинг бажарилиши устидан назорат ва текширув кучайтирилсин;

Биз бу юксак социалистик мажбуриятни олар экамиз, партия ва халқ олдидаги юксак бурчимизни шараф билан бажариш учун ўзимизнинг бутун кучимизни, билимимизни ва тажрибамизни сарфлаймиз.

Дўстлик, қардошлик ва мардлик шаҳри — Тошкент — юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлансин!

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси хизмат бўлинмалари илғорлари йиғилишида бир овоздан қабул қилинган.

(1971 йил, 23 июнь).



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Марказий универсал магазини коллективи меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишда ой сайини юқори босқичга кўтармоқда.

Суратда: кино-фото товарлари секциясининг ишчан сотувчиси Э. Эргашев.

ЕНИСЕЙ ДАРЁСИ БЎЙЛАБ

Ҳамшаҳарларимизд а н икки юздан ортиқ киши Енисей дарёси бўйлаб ўн беш кунлик саёҳатга жўнаб кетдилар. Улар Бородин номли дизель электроходида Сибирнинг ажойиб шаҳарларини кўришга муяссар бўладилар. Саёҳатчилар Красноярский, Енисейск, Турух а н с к, Игарка, Снежногорск, Дудинка, Норильск шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар.

Саёҳатчилар орасида Ленин номли электрон-техника заводи, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси ва бир неча автомобиль хўжаликларининг ишчи-хизматчилари бор.

Келгуси ойда Болтиқ бўйи республикаларининг шаҳарлари бўйлаб ўтказиладиган саёҳат ҳам туристларга манзур бўлади. Тошкентликлар Минск, Брест, Вильнюс, Каунас шаҳарларида бўладилар.

Бундай сафарларни ташкил қилаётган Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси минг-минглаб дам олувчиларнинг кўнглини хурсанд қилмоқда. Бюро Волга дарёси бўйлаб уюштириладиган саёҳатга ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Пойтахт корхоналарининг вакиллари бу сафарда Москва, Ростов, Кострома каби шаҳарларда бўладилар.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари билан танишишга ишчиларга 22 та машина ажратилган.

Ана шу машиналарда жуда кўп саёҳатчилар Самарқанд - Бухорога, Қайроққум денгизига, Чимён этакларига, Чорвоқнинг бақаво жойларига ором олгани жўнаб кетдилар.

Саратонда туристик саёҳатлар яна кўпаяди.

Оқшом газеталари саҳифаларида

Ихтирочига бронза медали

Ўтган беш йилликда Париж коммунаси номидаги кема ремонти заводида ихтирочилар ва рационализаторлар сони 500 кишига кўпайди, деб ёзади, оқшомги «Баку» газетаси. Улардан 4267 рационализаторлик таклифи тушди. Корхона коллективи 1 миллион 285 минг сўмни тежади.

Кема ремонтчилари янги беш йилликда ҳам ижодий ишда актив қатнашаётирлар. Шу йилнинг беш ойи мобайнида заводда 150 та таклиф жорий қилинди, 113 минг сўм тежалди.

Механик Ю. Алешкин кема йиғувчи А. Боковой, мастер Г. Баҳрамов, слесарь Г. Гусейнов, электр пайвандчи А. Захаров, технолог В. Мохнатюк ва бошқалар заводдаги энг илғор рационализаторлардир.

Кема ремонтчиларининг ижодий ишлари халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинди. СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси Бош комитети улардан баъзиларини тақдирлади. Прораб М. Хахов, кема йиғувчилар бригадири А. Боковой, заводнинг ёш ходимлари В. Марин ва В. Полумордвиновлар бронза медали билан мукофотландилар.

Ким бўлсам экан?

Лихачёв номидаги автозаводга Пролетар районидаги мактабларнинг 9-синф ўқувчиларидан катта группаси келди, дейилади «Вечерняя Москва» газетасининг биринчи саҳифасида босилган ахборотда. Эндиликда корхоналарнинг цехларида портфель кўтарган йигит ва қизларни тез-тез учратиш мумкин. Бу райондаги автомобилсозлар оталиқ қилаётган 500, 503-ва бошқа мактабларнинг ўқувчиларидир. Бу ерда болалар токарлик, фрезерлик, техника контроли бўлими контролерлиги касблари билан танишадилар.

Ким бўлсам экан? Бу саволга жавоб бериш осон эмас экан. Заводда ҳамма нарса: автоматик линияларни ва агрегат станокларни ремонт қилиш ва наладка қилиш, деталларни силлиқлаш, автомобилларни йиғиш бир-биридан қизиқ кўринади.

Музликка экспедиция юборилаяпти

Қозоғистон Фанлар академияси гляциологлари ҳозир Туюксу музлигида унинг қалинлигини ўрганиш бўйича қизиқ эксперимент ўтказишни мўлжаллаб туришибди. Музликда бир нечта қудуқлар қазилади. Бу қудуқларни бургалаш академик А. В. Бричкининг плазмали горелкалари ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозир махсус вертолётларда музликка махсус асбоб-ускуналар, йиғма уйлар жўнатиляпти. Музликнинг ўзида лаборатория ва илмий ходимлар учун иккита йиғма уй қуришни мўлжалламоқда.

Дарвоқе, Туюксу музлиги гляциологларнинг эътиборини бехуда тортаётгани йўқ. Мамлакатимиз территориясидаги энг ўрганилган музликлардан бўлган Туюксу музлиги ишончли табиий лабораторияга айланиб қолиши мумкин.

«Вечерняя Алма-Ата» газетасида яқинда шу ҳақда ахборот берилди.



Агрегат заводи тайёрлаётган турли хил маҳсулотга бўлган талаб шаҳаримиз корхоналарида кун сайин ортиб бораяпти.

СУРАТДА: йигув цехининг зарбдор слесарларидан Т. Жоназоқов ва А. Идрисов навбатдаги детални тайёрлаш жараёнида.

М. Нуриддинов фотолари.

Планетамиз янгиликлари

Социализм мамлакатларида

Мустаҳкам дўстлик

СОФИЯ. Болгарияда кенг сайлов кампанияси давом эгмоқда. Болгария Халқ Республикаси халқ мажлисининг, маҳаллий халқ Советларининг депутатлигига номзодлар, халқ судлари ва халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган номзодлар ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар. Куни-кеча Софиядаги Димитров районининг сайловчилари, Ватан фронти активлари Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси, 286-София сайлов округидан халқ мажлиси депутатлигига номзод Т. Живков билан учрашдилар. Т. Живков сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқида бундай деди: Болгария Коммунистик партияси халқаро коммунистик ҳаракатнинг мустаҳкам отрядларидан бири бўлиб, бутун дунёда тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашмоқда.

Болгария Халқ Республикаси Совет Иттифоқи билан қалин дўст бўлмаганда, Совет Иттифоқи Болгарияда социалистик қурилиш ишига ёрдам бериб турмаганида, мамлакатимиз муваффақиятларга эриша олмаган бўлур эди, деб таъкидлади нотиқ. Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик—мамлакатни янада ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. Уни келгусида ривожлантиришнинг гарантияси шундай деди: Болгария Коммунистик партияси ва Болгария халқи ўртоқ Леонид Ильич Брежневга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет давлатига ва Совет халқига ишончини ва меҳрини ифодалаб, ўз ишларида янги муваффақиятлар тилади.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам озодлик миллий фронтининг бўлинмалари Америка-Сайгон қўшинларига оғир талафотлар етказишни давом эттирмоқдалар. Озодлик матбуот агентлигининг маълумотларига кўра, ватанпарварлар 20-22 июнь кунлари Куангчи вилоятининг шимолида бўлиб ўтган жанглар вақтида душманнинг 940 солдат ва офицерини, шу жумладан 100 дан ортиқ америкаликни саф-дан чиқардилар. 30 та вертолёт уриб туширилди, 27 та ҳарбий машина яксон қилинди, ўқ-дорн сақланадиган 11 та омбор портлатиб юборилди, кўп миқдорда тўп ва ҳарбий қурол-аслаҳа ўлжа қилиб олинди.

Озодлик армиясининг жангчилари Куангнгай вилоятида атиги бир кун — 7 июнь куни душманнинг 25 солдатини ўлдирдилар ва яраадор қилдилар, 15 та ҳарбий машинани ёндириб юбордилар. Ватанпарварлар 17 июндан 22 июнгача Тхиатхиен вилоятининг гарбида бўлиб ўтган жанглар вақтида душманнинг 200 дан ортиқ солдатини қириб ташладилар ва 2 та вертолётини уриб туширдилар.

ХЬЮСТОНДА КЕНГАШ

НЬЮ-ЙОРК. СССР Фанлар академияси билан АҚШнинг аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси (НАСА) ўртасидаги келишувга мувофиқ Совет ва Америка мутахассисларининг Хьюстон шаҳрида [Техас штати] кенгаши ўтказилмоқда.

Совет ва Америка космик кемаларини ва станцияларини туташтириш системаларини бирбирига мослаш проблемаларини муҳокама қилишга бағишланган бу кенгашдаги совет делегациясига космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик совети —«Интеркосмос»нинг раиси Академик Б. Н. Петров бошчилик қилмоқда. Америка делегациясига учувчи бошқарадиган космик кемалар яратиш марказининг директори доктор Роберт Гилрут бошчилик қилмоқда.

В. БРАНДТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОНН. Германия Федератив Республикасининг канцлери В. Брандт Гарбий Германиядаги «Ди цайт» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисида Шарқ билан Гарб ўртасидаги музокараларнинг ижобий натижаларга эришишидан Германия Федератив Республикаси манфаатдор эканлигини уқтириб ўтди. «Бундай ижобий натижалар, — деди у,— хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги бизнинг манфаатларимизга ҳам мос бўлур эди,— чунки Марказий Европадаги қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг қисқартирилиши, табиийдирки ҳарбий можаролар келиб чиқиш хавфини камайтирган бўлур эди». Брандтнинг айтишига қараганда бу масала устида музокараларни шу йилнинг ўзидаёқ бошлаб юборилиши мумкин. Сўнгра канцлер, бундай музокаралар «бошқа қийин масалаларни муҳокама қилишга» ҳам ёрдам берган бўлур эди, деб уқтириб ўтди.

Музокараларни бошлаш учун Гарбий Берлин проблемаси ҳал этилиши шарт, деб ҳисоблайсизми, деган саволга Брандт жавоб бериб, мен қуролли кучларни ва қурол-яроғларни «қисқартириш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун ҳеч қачон шарт қўйган эмасман» деди.

(ТАСС).

Мактаб ўқувчисининг Европа рекорди

ГААГА. Голландиялик 15 яшар ўқувчи қиз Линда де Боэр Утрехт шаҳридаги 50 метрли ҳовузда 1500 метр масофага эркин услуб билан 18 минут 03 секундда сузиб бориб, Европанинг янги рекордини қўйди. Италиялик спортчи қиз Новелле Каллигариса мансуб бундан аввалги натижа бирданига 8,6 секунд яхшилаб юборилди.

(ТАСС).

Иш қидириб юришибди

ПАРИЖ. «Франс-суар» газетаси Франция жамоат фикрини ўрганиш институти ўтказган савол-жавоб натижаларига асосланиб, хабар беради: ҳозир Францияда 150 мингдан ортиқ хотин-қиз иш тополмай юрибди. Уларнинг учдан бир қисми 25 ёшга етмаган қизлардир.

ҲАВОГАРЛИК ТИНЧИМАЁТИР

НЬЮ-ЙОРК. «Яҳудийларни ҳимоя қилиш иттифоқи»даги безорн газандалар мудҳиш душманчилик ишларини қилаётганликлари муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги СССРнинг доимий вакили Я. А. Малик АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги вакили Ж. Бушга кескин норозилик билдирди. СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакилининг Нью-Йорк яқинидаги Клековда бўлган резиденцияси дарвозаси олдига сионистлар соат механизми ўрнатилган бомбани кўмиб қўйганлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги СССР доимий вакилининг резиденцияси олдида бомба портлатиш планлаштирилб қўйилганлиги ҳам, сионистларнинг Нью-Йоркдаги совет кишиларига қарши антисовет ҳужумларини кучайтириб юборганликлари ҳам гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига хоинларча ҳужум қилган кунининг 30 йиллиги кунига тўғри келтирилганлиги эътиборни жалб қилмоқда.

Совет ваколатхонаси Совет Иттифоқи ваколатхонасига ва унинг ходимларига қарши қилинаётган душманчилик ҳаракатларининг ва ҳавогарликларининг олдини олмоқ учун АҚШ мамурлари дархол чора кўрсинлар, деб талаб қилди. (ТАСС).

Иқтисодий ривожланиш ва тараққиётни бошқа берк кўчага кириб қолган Германия Федератив Республикасида айрим расмий кишилар турли фолбинларнинг олди-қочди фол очишларига ҳам ишонадиган бўлиб қолганлар.



— НИҲОЯТ БИЗ КЕЛАЖАКДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҲАҚИДА АНИҚ ДАЛИЛЛАРГА ЭГА БЎЛДИК.

Расм Гарбий Германияда чиқадиган «Дитат» газетасидан олинган.

ТАСС фотохроникаси.

Ҳалқ мамлакатнинг ҳалқ фарзанди

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ

1970—1971 ўқув йили сермазмун ва қувончли воқеаларга бой йил бўлди. Умумий меҳнат ва политехника таълимининг мазмуни ҳамда сифатини энг юксак босқичга кўтариш, уни ижтимоий ва илмий техника тараққиётининг ҳозирги талаблари даражасига мувофиқлаштириш, умумий ўрта таълимни жорий қилиш борасида кўзга кўринарли ютуқлар қўлга киритилди.

Бу ўқув йилида мактабларда фан кабинетларини замонавий талаблар асосида қайта жиҳозлаш, ўқув-кўргазма ва лаборатория асбоблари билан тўлиқ таъминлаш соҳасига ҳам жиддий эътибор берилди. 200 га яқин фан кабинетлари ва ўқув лабораторялари ўқувчилар учун хизмат қилди. Намунали фан кабинетлари сифатида 81, 106, 192-мактаблардаги химия ва биология кабинетларини 13, 38, 40, 42, 59-мактаблардаги физика ва математика кабинетларини, 34, 132, 169-мактаблар қошида ташкил этилган техника воситалари кабинетларини тилга олиш мумкин.

Қувончли якунлардан яна бири шуки, 13, 38, 81, 84, 92, 141, 169-каби кўплаб мактабларнинг педагогик коллективлари ўқув йилини ўқувчиларнинг юқори ўзлаштиришни билан якунладилар.

Жонажон партиямизнинг XXIV съезди олдидан революция ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветеранлари иштирокида ўтказилган кечалар, учрашувлар, конференциялар ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик, пролетар интернационализми ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда катта роль ўйнади.

Инглиз, француз, немис, ҳинд, форс, араб ва грек тилларида ўтказилган район ёшларининг дўстлик фестивали ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг кўриклари унутилмас из қолдирди.

Битирувчи ёшлар ўртасида касб танлашга оид бир қатор тадбирлар амалга оширилди. «Ким бўлсам экан?», «Меҳнат кишини улуғлайди», «Танланг, қайси касб шарафли» каби темаларда қизиқарли суҳбатлар, мунозаралар ўтказилди.

Ёшларни ишлаб чиқариш корхоналарига жалб қилиш мақсадида оталиқ ташкилотлари ҳам мактаб билан алоқа боғлаб, битирувчиларни ишлаб чиқариш корхоналарида ишлашга даъват этдилар.

Етуклик аттестати олиб, катта ҳаётга дадил қадам қўяётган баркамол ёшларимизга муваффақият тилаймиз.

М. САИДАҲМЕДОВ.
Октябрь район ҳалқ маорифи бўлими методика кабинетининг мудири.

Мавжуда Музаффарова билан Шоиста Иўлдошевалар 132-ўрта мактабни яхши баҳолар билан тугатишди. Энди уларнинг қўлида етуклик аттестати бор. Зеҳни ўткир қизларимизни меҳнат ва ўқиш кутмоқда.

Б. Мансуров фотоси.

Ҳаёт мактаби

Меҳнат киши учун бардамлик, руҳий кўтарилиш манбаидир. Меҳнат кишида ташаббускорлик, топқирлик, ишчанлик ва гуманизм каби ҳисларни уйғотади.

Мана, мен ишлаётган «Тошкенткабель» заводида 5 минг ишчи бир ота-она фарзандларидек меҳнат қиладилар.

Заводимизда меҳнат қилиш ниятиёқини билдирган ёшларни 800 дан ортиқ тажрибали, меҳрибон кишилар ўз қучоқларига оладилар. Мен 1941 йилда, завод энди иш бошлаганда, оддий юк ташувчи бўлиб ишга келган эдим. Меҳрибон мураббийлар ёрдамида шогирдликдан устозлик даражасигача кўтарилдим. Заводдаги турли кабеллар тайёрлайдиган 30-цехда ишлаб, бу цехдаги асосий операциялардан кўпчилигини эгаллаб олдим.

Ҳозир мен мастерлик қилаётган 30 кишилик смена ишчилари заводда биринчи коммунистик меҳнат зарбдорлари деган юксак номга эришган илғор сменалардан ҳисобланиши билан фахрланаман.

Кечагина мактаб парталаридан келган шогирдларимдан Ю. Юмашев, П. Киселев, Н. Канаев, Ў. Тўғонова каби ўнлаб ёшлар бугунги кунда завод олқишига сазовор бўлаётган ишлаб чиқариш илғорларидир. Бу ёшлар катта ҳаёт кучоғида меҳнат ганштини суриш билан бир қаторда, ўз билимларини ҳам оширмоқдалар.

Менинг 8 фарзандим бор. Уларнинг бири шу заводнинг 25-цехида ишлаяпти. Қолган фарзандларим ҳам ишчи деган фахрли номни оқлашга отланмоқдалар.

Тилла ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкенткабель» заводи ветерани, Ленин ордени кавалери.

МАРҲАБО

Жонажон партиямизнинг XXIV съездида кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари ва кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш масаласи олға сурилди. Ана шу қарорга жавобан, машинасозлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Бу вазифани амалга ошириш учун кўплаб малакали ёш ишчилар керак.

Заводимизда меҳнат қилаётган ёшларнинг кўпчилиги ўрта мактабни битириб ишга келишган. Завод оталиғидаги сменали 16-ишчи-ёшлар мактабида ҳам кўплаб ёшлар ўз билимларини оширмоқдалар.

Шунингдек, завод қошида авиация техникуми филиали очилган бўлиб, унда 150—200 ёш ўзларининг техник малакаларини ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Завод маъмурияти ғамхўрлигидан баҳраманд бўлаётган ёшлар ишдан ажралмаган ҳолда ўрта ва олий маълумот эгаллашмоқда.

Мен 8-синфни битиргач, заводнинг 3-цехига оддий ишчи бўлиб келгандим. Ишлаш билан бирга, 16-ишчи-ёшлар мактабида ўрта маълумот олдим. Сўнг завод қошида авиация техникумини битирдим. Ҳуллас завод ғамхўрлигида малака ва билим эгалладим.

Ҳозир заводнинг 9-цехида бошлиқ бўлиб ишлаяпман. Цехимиздаги 70 процент ишчини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ҳаммаси коммунистик меҳнат зарбдорлари. Шулардан бири Мукаррам Мавлонхўжаевадир. У политехника институтининг автомобиль бўлимини тугатиш арафасида турибди. Мукаррам ишлаб чиқариш илғори, жонкуяр жамоатчи ва комсомол аъзосидир.

Зарбдор ёшлардан Б. Нурматов, А. Абдураҳмонов, С. Пўлатова, В. Лебедев, Э. Содиқов каби ўнлаб ёшлар турли олий ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқимоқда.

10- ва 11-синфларни битирувчи дўстлар, сизларга заводимиз эшиги доим очиқ, марҳабо!

И. ЛАТИПОВ,
«Узбексельмаш» заводининг 9-цех бошлиғи.

ОТА-ОНА—ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Инсон ҳаётининг баҳори — ёшлик. Бу даврда қизлар ғоят барно, назокатга бой бўладилар. Йигитлар ҳам ажабтовур, кўркам, кўрган кўзларни қувонтирадиган бўлишади. Ақл-ҳушлари тўлишиб, турмушга жиддийроқ қарай бошлайдилар. Илм-ҳунар ўрганиб, ҳаётга гайёрланадилар. Бу йўлда уларга ота-оналари, ўқитувчилар, қолаверса, жамоатчилик раҳнамо бўлади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг физика факультети қошида қизлар клуби ташкил қилинган. Қизлар ўртасида ранг-баранг темаларда суҳбат, мунозара, учрашувлар мунтазам ўтказилиб турилади. Шу ўқув йилининг ўзида «Қизлик ғурури ҳақида», «Одоб маданияти тўғрисида», «Қиз бола — гуллола», «Баодоб йигит ва латофатли қиз», «Онани эъзозлайлик» темаларида жуда қизиқарли мунозаралар уюштирилди. Айниқса, «Ёшлик— гўзаллик» мавзуидаги учрашув факультет йигит-қизларини кўп нарсаларни ўйлашга мажбур қилди.

— Қизлар, йигитлардаги қайси хусусиятларни қадрлайсиз? Қайси томонларини ёқтирмайсиз?— каби саволларга, айниқса, тўлқинланиб жавоб беришди. Йигитлар ҳам мунозарада бўш келишмади. Латофатли қизларга хос фазилатларни бирма-бир санаб ,ҳаётдан мисоллар келтирдилар.

Факультет комсомол бюросининг секретари Эгамберди Умрзоқов ҳам қизлар латофати ҳақида яхши фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлади: «Қизларга худди йигитлардагидек шиддатли, одамни бошқариш, бўйсундириш, бахтли ва бахтини қаро қила олиш қудрати ато этилганким, бу куч бошқа ҳеч кимда, ҳеч бир улуғ зотда йўқдир. (П. Мериме). Дарҳақиқат, табиат қизларга, аёлларга шунча латофатли куч ато этган. Ҳаётнинг кўрки ва лаззати ҳам қиз ва аёллар билан. Аёллар бор ерда меҳр-вафо, оқсаталик, эзгулик бор.

Қиз бола ҳаёси билан гўзал. Иффатли қиз ҳаммага ёқади. Енгилтак қизларни ёқтирмаймиз...»

IV курс студенти Турсуной бундай деди:

— Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас, деганлар. Йигит кишининг сўзи — сўз бўлмоғи керак. Сўзидан қайтган йигит — йигит эмас. Бир бевурд, тайинсиз олифтадир.

Муҳаббати соф, ўзи пок йигит виждонли бўлади. Ҳеч қачон баланд парвоз гапларни айтмайди. Узини супо, камтар тутади. Сизни ҳурматлаб, эҳтиёт қилади. Зинҳор шаънингизга бирор гап-сўз бўлишини истамайди. Бундай йигитни қадрламоқ, севгисига вафодор бўлмоқ ҳар бир оқила қизнинг бурчи.

Ёш ўқитувчи Дилором сўзлади:

— Менимча, йигит ақлли бўлса, одам бўлса бас. Мен уни ота-онаси йўқлиги ёки оддийроқ оиладан бўлгани учун асло камситмасдим. Ақлли йигит узоқни ўйлайди, меҳнатсевар ,тиришқоқ бўлади. Меҳнаткаш одамнинг келажаги бор. Яна одамни ҳам, ҳаётчи ҳам қадрига етадиган бўлади. Ҳалол меҳнати билан танилиб, обрў-эътибор қозонади. Ишонардимки, ҳаётимни шундай яхши йигит билан боғлай олсам, албатта бахтли бўла олардим. Мен ҳам қараб турмас эдим. Тиришардим, унга меҳрибон дўст, яхши рафиқа бўлишга интилардим.

Бир дугонамни ана шундай йигит севар эди. Ўзининг ҳам кўнгли борлигини биларди. Нима бўлди-ю, ўртага биз мансабдор оиладан совчи чиқади. Ота-оналар рози бўлишади. Энди ҳамма гап қиз билан йигитга қолади. Қиз йигит билан учрашади. Лекин юрган йигити ҳақида бир нарса демайди. Тўйга розилик беради. Воқеадан хабардор бўлган йигит бечора эсанкираб қолади. Нима қилишини билмайди. Уйлаб-уйлаб, унаштирилган йигитининг отаси олдига боришга қарор қилади. Учрашади ва қиз билан юришини, аҳду-паймон қилишганн борми, барини рўйи-рост айтади. Ҳатто, у билан бирга тушган расмларини кўрсатади. Ота бошини қуйи солган жим қолади. Ниҳоят, ўзини бироз тутиб олади-да йигитнинг елкасига қоқади: «Ўғлим, кечиринг, биз бутунлай бу ишлардан хабарсизмиз, мени тааҳҳубга солаётган нарса — қизнинг хулқ-атвори, Сиз билан шунча ишларга бориб ,юзсиз, ҳеч нарса кўрмагандек тўйга розилик берган. Ўғлим, хотиржам бўлинг, энди бу иш ҳеч қачон бўлмайди...»

Охири нима билан тугади денг? Ҳалиги бадавлат йигит қиздан юз ўгирди, ўша яхши йигит бўлса, ўйланиб қолди ва ниҳоят, шунча йиллик соф севгини оёқ ости қилган қиз билан бахтли бўла олмаслигига кўзи етди шекилли, унга уйланишдан воз кечди...»

Ана енгилтаклик, ҳавасизлик оқибати. Ўзи ҳам бебахт бўлди. Бировни ҳам бахтсиз қилди. Ота-онасини ерга қаратди.

Менимча, яхши фарзанд: хоҳ йигит, хоҳ қиз бўлмасин, аввало ота-она билан қисоблашмоғи керак. Отанг билан онанг сенга қаёт бахш этишди. Бир парча этдан тарбиялаб вояга етказишди. Улар сенинг бахтинг учун кўлларидан нима келса, шуни қилишди. Энди сен уларнинг саломатлигини сақлашинг, дилларини оғритмаслигинг керак. Одам кексайган сари кўнгли нозик бўлиб қолади. Сен қизмисан, ўғилмисан, бари бир, ота-онанг кўнглини хушлашинг керак. Уларнинг ҳолидан ҳар куни, ҳар он хабардор бўлиб туришинг, елкангдаги қарзни узишинг лозим.

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Асло. Шундай экан, нега биз уларга қулоқ солмаслигимиз керак! Уларнинг турмуш тажрибаси кўп бўлганидан кўп нарсага жиддий, чуқур қарашади. Сизни, бахтсиз бўлиб қолмасмикан, деб шубҳаланишади. Бизнинг фикримизча, ота-онанинг кўёв ёки келин олдига қўядиган ҳақли талабларига ҳурмат билан қараш керак. Ота-оналарнинг ҳамма ишда, жумладан, турмуш масаласида, севги-муҳаббатда ҳам анча «кўзи ўткир»лигини ҳисобга олиш лозим. Биз, бу ўринда, онда-сонда учрагувчи жоҳил ота-оналарни назарда тутмаймиз, албатта.

Ахир, ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, кўрнамак фарзандлар ҳам учраб турадики, биз уларни ҳам назарда тутмаймиз.

III курс студенткаси Салимахон бундай деди:

— Йигит билан қиз турмуш қуришмоқчи бўлишибди. Савол туғилади: Хўш, сиз бу масъулиятли вазифага ўзингизни тайёр деб биласизми? Оила тебратишга қурбингиз етадими? Бирор ҳунар, касб эгаси бўлдингизми? У сизнинг қадрингизга етадими? Оила бахти учун нималар муҳим? Ана шулар устида яна бир бор ўйлаб кўринг. Ҳаммасига ижобий жавоб олганингиздагина, унга бемалол қадам қўйишингизни маслаҳат берардим. Агар шулардан бирортаси етишмаса, яхшиси, бу ишга шошилманг.

Ҳар бир йигит-қиз, аввало, ўқиб, бирор ҳунарли бўлишга ҳаракат қилсин.

IV курс студенти Дилдор сўзи:

— Гўзаллик— бу фақат ташқи кийёфа эмас, балки одоб-ахлоқ, фаросат, покизалик, олижаноблик, шарм-ҳаё, иффат, ғурур, латофат, меҳнатсеварлик, ўзини тута билишдир. Мана шулар мужассамлашганлагина инсон ҳақиқий гўзал бўла олади.

Гўзаллик дилни равшан қила оладиган бир нурки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир ва инсон мана шу нур томон интилади.

Суқрот Ҳаким: «Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралгандир».— дейди.

Ҳақиқатан ҳам, агар қиз бола қаламқош, шаҳло кўз, узун соч, келишган, сулув бўлса-ю, шарм-ҳаёси бўлмаса, ундайларни ҳеч ким гўзал дея олмайди. Бундайларни тақасалтанг, усти ялтироқ — ичи қалтироқ, дейишади. Ундайлардан ҳар қандай йигит ўзини четга тортади. Ҳақиқий гўзал одам билан доимо гаплашгингиз ва унинг одил гапларидан баҳра олгингиз келади. Ҳаётингни шундай киз билан боғласанг, қани энди!

III курс студенти Шарофат бундай дейди:

— Донолар қиз боланинг орномусини шишага ўхшатишади. Маълумки, шиша синса, уни ўз ҳолига қайтариб бўлмайди. Шунинг учун, қиз бола ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босмоғи керак. Токи, юриш-туришимиздан ҳамма хурсанд бўлсин ва биздан ўрнак олишсин.

Ёшларнинг бу суҳбати ҳаётий ва синалган гаплар бўлиб, уни турмушга татбиқ этиш тўғри йўлдир.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

Умидимиз сиздан

Районимизда сайловдан сайловгача бўлган даврда 7 та болалар комбинати, 4 та типовой янги мактаб қурилиб, ишга туширилди.

Мактабларда кўпчилик предметлар кабинет усулида, техника воситаларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ҳамда 101 та кўни узайтирилган хоналар асосида олиб борилди.

Районда 1240 ўқитувчи бўлиб, булардан 950 киши олий маълумотли педагоглардир. Улар орасида ўз тажрибалари ва педагогик маҳоратларини тобора ошира бориб, район халқ маорифи ишига муносиб ҳисса қўшаётган юзлаб ўқитувчиларни ҳам ўртамат билан тилга олиш мумкин.

Районимизда ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга, уларда меҳнат кўникмаларини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўтган 1969—1970 ўқув йилида 8-синфларни 1755 ўқувчи, 10 синфларни 1135 ўқувчи битирган эди. Улардан 335 киши шаҳримиздаги турли саноат корхоналарида меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил 1803 киши 8-синфларни, 1156 киши 10-синфларни тамомладилар. Дастлабки маълумотларга кўра, 500 дан ортиқ ўқувчи завод-фабрикаларда ишлаш истагини билдиришди.

Райондаги 6 та кечки (сменали) мактабларнинг 11-синфларини 500 дан ортиқ ўқувчи битирди. Кечки мактабларимизда ўқиб, ўз билимларини меҳнат билан боғлаб олиб бораётган ёшларимиз «Узбексельмаш», «Тошкентқабель» Абразив буюмлари, асбобсозлик заводлари, тамаки ва «Ўртоқ» фабрикаси, «Юлдуз», трикотаж фирмаларида илғор ишчилар қаторидан ўрин олғанлар.

Ана шу завод ва корхоналарнинг илғорлари билан мактабларда бир неча марта учрашувлар, завод қошида ва Узбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси залида кечалар ўтказилди.

Биз бундан кейин ҳам, ёшларнинг билимли бўлишлари билан бирга, уларни меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялашда бор имкониятларидан тўлиқ фойдаланамиз.

К. СУЛТОНОВ,
Киров район халқ маорифи бўлимининг бош инспектори.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

Ёшларимизнинг ўқиши, билим олиши ва касб-ҳунар эгаллашлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу ўқув йилида мактабимизда 750 йигит-қиз ўқиди. Уларга чуқур билим бериш учун ҳамма имкониятлар етарли бўлди, дарслари ҳамма дарслар кабинет усулида олиб борилди.

Бу йил мактабимизнинг 10-синфини 56 йигит-қиз, 8-синфни 62 ўқувчи битирди.

Имтиҳонларда ўқувчиларимиз йил бўйи пухта билим олганликларини намойиш қилдилар. Ўқув йили давомида ёшларнинг меҳнатга бўлган ҳавасларини ошириш учун алоҳида эътибор бердик. Қизларимиз чеварликни, ўғил болаларимиз дурадгорлик ва слесарлик каби ҳунарларни эгаллашди.

Мактабда касб танлашга оид ўнлаб конференция ва кечалар ўтказдик. Жумладан, 10-«Б» синфда бинокорлик, 10-«А» синфда шифокорлик, 9-«А» синфда ошпазлик, 9-«Б» синфда сотувчилик, 8-синфларда чеварлик касблар ҳақида ўтказилган кечалар қизиқарли бўлди.

Мактабимиз ўқувчилари ўз синф раҳбарлари билан «Тошкентқабель» заводи, «Юлдуз» фирмаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикасига бориб, иш процесслари билан танишдилар ва илғор ишчилар билан учрашувлар ўтказдилар.

Мактабни битирувчи ёшларимизнинг кўпчилиги кундузи ишлаб, кечки олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга аҳд қилишяпти. Жумладан, Ҳикмат Шукруллаев, Султон Қорабоев, Пўлат Тошмуҳамедов, Ислом Усмонов кабилар «Узбексельмаш» заводида ишлашга бел боғлашди.

Қизларимиз бир неча йилдирки, «Юлдуз» фирмасида ёзги каникулларини ўтказишади. Бу йил ҳам 9-синфни битирган 30 ўқувчи қизларимиз шу фирмада ишламоқчи.

Мактабни муваффақиятли битириб, катта ҳаётга яхши ниятлар билан қадам қўяётган ёшларимизга ёрқин йўл тилаймиз.

С. МАҚСУДОВ,
12-мактаб директори.

Ёрқин йўл

Партия ва ҳукуматимиз ёшларнинг ҳоҳлаган касб-ҳунарни ва билимни эгаллашлари учун ҳамма имкониятларни яратиб берганлар. Бу чексиз ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётган ёшлар меҳнат ганштини суриш билан бир қаторда, билим чўққиларини чуқур эгаллашни ўзлаштириш бурчлари деб тушунмоқдалар.

Меҳнаткаш ёшларнинг ўқишлари учун кечки (сменали) ёшлар мактаби, техникумлар, олий ўқув юртлари мавжуд. Жумладан, Киров районидаги 1-ишчи-ёшлар мактабида бу ўқув йилида 220 дан ортиқ ёшлар билим олишди.

Бизнинг мактабда Тамаки, «Ўртоқ» фабрикалари, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси, район қурилиш конторасининг ёшлари ўқишади. Бу йил мактабнинг 3 та 11-синфини 58 ўқувчи битирди. Ишлаб чиқариш планини 130—140 процент бажариш билан бирга, яхши ва аъло баҳоларга ўқиётган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. 1-пахтани қайта ишлаш заводи дурадгори Баҳодир Тожибоев, «Юлдуз» чеварлари Хатира Сулаймонова, Муҳаббат Мардиева, ошпаз Муҳиддин Носирхонов, сотувчи Заҳро Қаюмова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мактабда турли касб эгалари бўлган ёшларнинг билимга бўлган ҳаваслари, уни чуқур эгаллаш учун интилаётганликлари қувончлидир.

Биз меҳнатсевар ёшларимизга ўқишда ва ишда катта муваффақият тилаймиз.

А. УМАРОВ.
1-ишчи-ёшлар мактабининг илмий бўлим мудири.

Ёшлар ижодидан

ОЛТИН ВА МУҲАББАТ

«...Иўқ!»— деди қиз,
Йигит чўкди тиз:
— Олтин берай бўйинг баробар!
— Хўп!— деди қиз,
Йигит иложсиз

Қарз қидириб елди саросар...
Бир нав қилиб муҳаббатни у
Сотиб олди мўмай олтинга.
Гирибондан қарзга ботди-ю,
Ёлчимади аммо хотинга...
«Қашшоқсан!» деб ўтказар хўрлик,
Нур ёғилиб ҳақиқлардан..
На қарздан қутилар шўрлик,
На хотини таъқибларидан...

Эргаш ЁНДОШЕВ.

Одамлар эъзозлайди

Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ва барча қувончлар калити меҳнатдир, «Меҳнат-роҳат», деб бежиз айтмайдилар.

Беғубор ва қудратли Ватанимизда ўқиш, меҳнат қилиш ва касб-ҳунар эгаллаш учун ҳамма имконият бор. Шунинг учун ҳам, бизда ҳеч ким ишсиз ва илмсиз бўлиб қолмайди.

Биз билим олган 63-ўрта мактабнинг 10-синфларини 50 ўқувчи, 8-синфларини 120 ўқувчи тамомлайди.

Бу йил мактабни битираётган синфдошларимизнинг режалари ҳар хил. Баъзилари олий ўқув юртларига, баъзилари эса, ишлаб чиқариш қучоғига отланишмоқда. Жумладан, Ф. Муҳиддинов, Н. Иброҳимова, А. Турсунхўжаева, Л. Тожиева кабилар ҳам биз каби завод-фабрикаларда ишлашмоқчи.

Дўстларимизнинг ширин орзу-истаклари ушалишига тилакдошмиз.

Сайдаз БУРХОНОВ.
Қобил МУРОДОВ,
63-мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари.

СЕВИМЛИ КАСБ

Асфальт кўчадан елдек учиб келаётган юк машинаси ёнимга келиб тўхтади. Ҳайрон бўлиб қараб қолдим. Шу пайт, мактабда шоферлик касбини ўрганган ўқувчим Раҳим Каримов кабинадан бошини чиқарди.

— Қани, машинага чиқинг,— деди у.

Мен чиқиб ўтиришим билан, Раҳим машинани равон ҳайдаб кетди.

Шоферлик касби ҳам яхши-да. Мана, шаҳримиздаги 105 ва 63-мактабларда ёшлар 10-синфни битириш билан бирга, шоферлик касбини ҳам эгаллашмоқда. Ҳар икки мактабда намунали автокласс, кўча ҳаракати қоидалари кўргазмаси, бошқаришни эгаллаш учун икки кабинали ўқув машинаси ва енгил машиналар мавжуд. Умуман, мактаб кучоғида шоферлик касбини пухта эгаллаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

10-синфни битирувчилар етуклик аттестати билан бирга, 3-класс шофери деган гувоҳнома ҳам оладилар.

А. КАМАРОВ,
1-класс шофёри, ўқитувчи.

Меҳнат—зийнат

Шаҳримиз корхоналарида ўрта мактабларни тамомлаган ёшларга ҳунар ва малака ўргатиш анъанага айланган. Устозлар ўз шогирдларига касб-ҳунар ўргатишни ўзларининг биринчи галдаги бурчлари деб билишади. «Учқун» фирмасида ишлаётган йигитларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Улар чинакам бахтларини меҳнатдан топишмоқда.

Фирманинг пешқадам тўқувчиси (чапдаги суратда) Г. Симонова бундан икки йил илгари шаҳардаги 175-ўрта мактабни тамомлаб, корхонага ишга келган эди. Ҳозир эса у ўз касбини пухта эгаллаб, топшириқларни 160 процентгача сифатли адо этмоқда.

Бадиий буюмлар фабрикасида ҳам ёшларга ҳунар ўргатиш намунали ташкил этилган. Бу корхонанинг барча цехларида ўз устозларидан касб, ҳунар эгаллаётган кўплаб йигит ва қизлар бор.

СУРАТДА: фабрика 3-дўппи цехининг устаси Д. Ҳидоятов шогирди З. Неъматжонова дўппи тайёрлаш сирларини ўргатмоқда.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

Умар САЙФИДДИН

(Турк ёзувчиси).

Мерос

Ҳикоя

Дунёда кишига энг кўп азоб берадиган нарса, инсоннинг ўз нафсига бўлган нафратидир! Агар сиз дўстингизнинг йиллар давомида алдаб келаётганини, ёлғон гапираётганини сезиб қолсангиз, ўша заҳотиёқ у билан бутунлай орани очик қилиб ташлайсиз. Севгида ҳам шундай... Яқинингизда оёқларининг остига ётиб, маъбудам, деб санаган кишингиз заррача бир нуқсон ёинки доғ борлигини кашф этиб қолсак, бирдан у одамдан совуб кетамиз, хаттоки, уни ўзимизнинг ҳушманлиги деб ҳисоблаймиз. Аммо ўша кишида бирор нуқсон ёмас, ўз-ўзимиз бўлсачи?.. Ҳеч нарса. Руҳиятида аҳлоқий таълим этувчи энг юксак учта нарса бор. Яхшилик, тўғрилик, гўзаллик. Борди-ю, мана шу уч оловли машъала сўниб қолгудай бўлса ўзингизни кимсасиз зим-зиё, кўқинчли бир чўлга тушгандай ҳис этасиз. Ҳайвонлашасиз. Ҳолбуки, ҳайвон бўлиб яшаш нақадар даҳшат! Тушунчасиз, ғоясиз, муддабатсиз, ўзингга азиз бўлган нарсаларсиз яшаш—шуям ҳаётми!? «Яхшилик» йўқ, «тўғрилик» йўқ, «гўзаллик» йўқ... Бугундан бошлаб менда ҳам бундай нарсалар йўқ... Руҳимдаги илоҳий машъалим бугун сўнди. Энди мен дайди, саргардон бир ҳайвоняман! Маъюс, гангиган, маҳзун бир ҳайвон! Инсонлик деган энг қимматбаҳо нарсани йўқотган бир бечора!

Бу воқеа бундан ўн беш кун аввал тоғачимникида ётиб қолгач кунним — кечаси рўй берди... Хайрузгача ўзимга—ўзим савол бераман: ахир бу қандай бўлди? Қандай қилиб мен инсонлик деган номимни йўқотдим. Бу жаннатдан хечам энди қайтиб чиколмайдиган жаҳаннамга қандай тушиб қолдим? Қандай тушдим? Қандай?..

Тоғамнинг ўғли Нажат Чанаккалада[1] шаҳид бўлгандан кейин унинг ўрнини мен босдим. Ўғлининг ҳалок бўлганига чидолмаган янгам, куя-куя, охири ўтган йили ўлди. Ҳозир эса, бу пешонага шўр тоғам бечора саройга ўхшаган данғилламага уйида ёлғиз хизматкорлари билан яшайди: ора-сира мен уни кўргани келиб тураман. Мен таниган одамларнинг энг аҳлоиси, энг фазилатлиси тоғамдир. Отасидан қолган катта бойликни укасига ўхшаб, яъни менинг отамга ўхшаб, кайф-сафоларга кетказмади, қайтага, давлатга хизмат этиб келди, хаётини узоқ вилоятларнинг валюталарида ўтказди. У шеъриятни, санъатни шундай севар эдики, биз ҳозирги ёшлар, бу-ни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Девонлар унинг назарида бир мукаддас хусусиятга эга эди. Газалларнинг, қасидаларнинг мисраларида кофияларидаги илоҳий бир ширин сир бор деб ҳисоблади. У боғининг энг чекқасида, қарағайларнинг орасига худди сирли қасрга ўхшаш бир кутубхона солдирган эди... Куннинг ярмисидан кўпини ўша ерда ўтказарди. У кутобларнинг чангини артар, тартибга солар ва албатта ўқирди. Ўша куни эшикдан кириб келишим билан, хизматкор шундай деди:

— Бей — афанди кутубхонада, истасангиз, боракорлинг! Яроқлари тўкилиб битган дарахтларнинг тагида, хали яшил турган, аммо чечаксиз гулзорларга бока-бока боғнинг этаги томон юриб кетдим. Кутубхонанинг қуббали қилиб ишланган тунука томини хар сафар кўрганимда ўзимни қандайдир бир бир мунгли ерга келиб қолгандай хис этардим. Деразаларнинг яшил бўёкли темир эшиклари очик эди. Мен киравериштаги эшикка яқинлашдим. Эшик занжир: эски замон услубида ишланган қулфнинг тешигида мис калит, унинг остида эса, олтиндай товланаётган тўкмоқча осилиб турарди. Мен астагина тўкмоқчани уриб қўйдим. Эшитмади. Қатгиқроқ тақиллатдим. Хизматкор деб ўйладим:

— Няма дейсан, Махмат?— деди.

— Махмат эмасман, меҳмон, тоға...

— ...

У эшикни очди.

Тоғамнинг оппоқ соқоли, хорғин мовий кўзларини янада катта кўрсатаётган қалин кошлари тағин ҳам салобатлироқ кўрсатар, агар бурнига илинган олтин гардишли кўзойнаги демасангиз, у бамисоли мақбарадан тирилиб чиққан бир авлиёга ўхшарди. Дарвоқе кўлини ўпдим.

— Кела қол, кела қол,— деди у хурсанд бўлиб.— Сенга бир қимматбаҳо нарсани кўрсатаман.

— Марҳамат,— дея худди жомеъга кириб кетаётган намозхон каби ёвқ кийимларимни ечдим, ва шу ерда турган бир жуфт қирмизи шиппакларни кийдим. Тоғамнинг эгнида туянинг жунидан қилинган бир халат бор эди. Чиниидай топ-тоза столнинг ёнига келиб ўтирдик.

— Мана, ҳалиги қимматбаҳо нарсам, мана...,— дея менга очиқ турган бир китобни узатди.— Жуда ноёб нарса!

Тоғамнинг бу қимматбаҳо, ноёб нарсаси бир боққолнинг титилиб кетган дафтарига ўхшарди. Мен ўзимни ҳаяжонга тушгандек қилиб:

— Ҳақиқатдан ҳам ажойиб экан,... — деб қўйдим.

— Буни кеча келтиришди... Сенинг-ча, неча пул тўлаганман? Қани ўйлаб жавоб бер-чи?

— Икки дира...

У юзимга тикилиб қолди:

— Жиннимисан, ўғлим...,— деди.

Хатойимни тузатмоқчи бўлдим.

— Муқоваси жуда эски экан... Қандай, беш лирага олдингизми?

— Беш лираңг нимаси!— дея ҳайқирди у.—Бу Дели Биродарнинг тўлиқ тўплами... Истанбулда бунинг лоақал битта ҳам нусҳаси йўқ.. Балки бутун дунёда ҳам йўқдир! Эҳтимол бу китобни Газалининг[1] ўзи ёзгандир, ўз қўли билан, тушундингми...

— Қанчага олдингиз?

—Юз саксон лирага.

— Эҳ-ҳе!— дедим.

Китобнинг ёзувлари жуда ажи-бужи эди. Муқоваси, варақларининг четларини сичқон кемириб кетганди. Устидаги нақшин гулларининг зарҳаллари ўчиб, фақат уларнинг ўрни қолганди.

Мен бу увадага боқарканман, тоғам ўзининг кейинги пайтда олган шунга ўхшаш қимматбаҳо нарсаларини чиқариб:

— Буни кўрганмисан, буни кўрганмисан! — дея бирма-бир ҳаммасини қўлимга тутқаза берди. Бу ерда талай китоблар: шеърий девонлар, тарихий-илмий асарлар, таржимонлар ва ҳоказолар бор эди... уларнинг ҳаммасидан могор, яна қандайдир мозорнинг рутубатли ҳиди келарди. Тоғам яқин кишиларидан ажралиб, ёлғиз қолгач, бутун ҳаётини кутубхонасига бахш этганди. Менинг шеърият билан, санъат билан қизиққанлигим, бунинг устига ўзимнинг ҳам шоирлигим, ёзган асарларим унга жуда ёқар эди, шунинг учун бўлса керак, икки гапнинг бирида:

— Сен менинг ифтихоримсан! — дер, аммо замонавий ёзувчиларнинг китобларини кутубхонасида сақламасди... Ниҳоят мен китоблардан чарчаган кўзларимни нақшли кошинлар ёпқизилган деворларга қаратдим. Кошинларнинг бахолари шубҳасиз бу китоблардан юксак бўлса-да, лекин деворларнинг бошидан-оёгигача маъносини англаб бўлмайдиган қандайдир ҳикматли сўзлар ёзилган жадваллар осиб ташланган эди. Қуббанинг ўртасидаги биллур қандил олтин қоқмали занжир-ла, кутубхонанинг мутавозий сукунатига келишмаган даражада муҳташам эди. Тоғам, ўқиётган қасидасини битиргач, менга ўгрилиб:

— Хабаринг борми? Менинг кутубхонамни сотиб олишмоқчи!— деди.

— Ким?

— Таним а й с а н, шарқшуносдар.

— Неча пул бераман дейишяпти?

— Аввалига ўн минг лира... дедилар. Сўнгра мен сотмайман деганимдан кейин ўн беш мингга, йигирма мингга чиқдилар.

— Қўйинг-е, нималар деяпсиз?

— Ҳатто йигирма беш минг ҳам бердилар.

— Тоғажон, ҳеч тўхтамай, дарров сотинг-а!— дедим мен. У ўқиётган китобидан бошини кўтарди-ю, менга тикилганича қолди. Унинг бу қарашида шундай бир ёзғириш, шундай бир ўпка бор эдики...

— Китобхонани сотаймп? Ундан кейин мен нима қиламан?

— ...

Тоғамнинг жаҳли чиқди чоғи дарров чеҳраси ўзгарди. Қўлидаги китобига қайтадан нигоҳини тикди. Сўғг бошини сарак-сарак қилиб, қандайдир гамгин товушда деди:

— Мен ўлганимдан кейин сотиб юборасизлар!..

Мен «ғиқ» этмадим. Ўзимни қўлимдаги китобни ўқиётган кишига солдим. Орага шундай ноқулай жимлик тушдики, назаримда неча йил— замон ўтиб кетгандек бўлди. Кўзларим сатрлар бўйлаб кезса-да, лекин ҳаёлим йигирма беш минг лирда эди. Бу жуда катта бойлик эди. Эртамякечми, меники бўладиган бойлик эди. Чунки тоғамнинг мендан бошқа вориси йўқ эди. Охирги марраси ўлим деб аталмиш ҳаётнинг йўлидан бери одимлаб келаётган чол—шубҳасиз бу дунёда яна бир неча йилга меҳмондир. «Неча йилга меҳмон бўларкин... Нариси билан беш йилга борар... Ахир, у оби ҳаётдан ичиб олмагандир!.. Миямдан яшин тезлигида шундай фикрлар ўтди. Аммо, қизиқ, кутубхонани олмоқчи бўлган шарқшунос олимлар, ким ўзи? Тоғамдан шундай деб сўрамоқчи бўлдим-у, лекин ботинолмадим: сўзим тилимнинг учида қолди. Чунки тоғамнинг кўзойнаклари остидан янада каттарок, янада мовийроқ, янада порлоқ кўринаётгач яқдли кўзларидан қўрқдим. Назаримда агар сўрасам, хулди ҳамма фикрларимни билиб оладигандай туюлди.

Шу вақтгача хаёлимга ҳам кирмаган бу мерос бирданига бутун хаёлимни банд этди. Миям худди шишиб кетганга ўхшарди. Мен бамисоли овсар бўлиб қолгандай. тоғамнинг нима деяётганини тушунмас эдим.

(Давоми бор).

[1] Чанаккала— Дарданел бўғозининг яқинидаги шаҳар. Биринчи жаҳон уруши йилларида Иттифоқчилар армияси шаҳарни қамал қилган, лекин шаҳар таслим бўлмаган.

[1] Дели Биродар—Газали Маҳмуд Афанди (1535 йили вафот этган) турк шоири—ҳажвчиси.

Текинхўрлик безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

● Суд залидан

ТОВЛАМАЧИ

Госпитал бозорида одамлар гавжум. Ҳамма ўзининг рўзғор-тирикчилиги билан овора. Лекин, ана шу бозорда қорачадан келган бир кишининг кўзи олазарак, У ўлжасини қидираётган тулкидай у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Ниҳоят, кимгадир тикилди-да, ўша томон шошиб юрабошлади.

— Биродар, мабодо сизга машина керак эмасми?—сўради у ҳаяжонини бироз босиб.

— Ҳа, керак. Лекин, мен машинани қаердан оламан?

— Кечирасиз, олдин таништиб олайлик. Мен Абдуқодиров Абдурасул бўламан. Энг катта базада ишлайман,—деди қўлини узатиб.

— Янгийўл шаҳриданман. Отим Акмал, фамилиям Мўминов. Айтинг-чи, менинг машина олиш ниятим борлигини қаердан биласиз?

— Яхши одамларнинг садағаси кетай. Мен уларнинг ичидагисини дарров топа оламан. — Ҳиринглаб кулди «база»чи Мўминовга қўнган чангни «меҳрибонлик» билан артаётиб.

...Орадан бирнеча кун ўтди. А. Мўминов «Волга» автомашинасини олиш учун ҳамма ҳужжатлар билан бирга 5.500 сўм пулни Абдуқодировнинг кафтига босди. Пулнинг қолган қисмини кейин берадиган бўлди. Солдадил Мўминов «Волга»ни олиш ҳақидаги телеграммани кутиш учун, севина-севина уйига йўл олди.

Мана, икки ой ўтибдики, ҳанузгача на автомашинадан на «база»чидан дарак бор.

— Оғайни, «Урал» мотоцикл керак эмасми?—гижгижловчи, Жамол Муқимов ва Саттор Воҳидовнинг қулоғига шивирлайди ўша товламачи.

— Топиб берсангиз жуда яхши бўларди. Сизни ҳам рози қиламиз, — дейишди мотоцикл олувчилар.

— Бўлмаса, мотоцикл олиш ҳақида «Ўзбекбирлашув» базаси маъмуриятига ариза ёзинг. Ҳозир «есть» қиламиз. Ҳа, айтгандек, 1250 сўм пулни ҳам ариза орасига қўйиб келинг,—деди Абдуқодиров.

Текинхўрнинг яна омади келди. Иш хамир учидан қил суғургандай осон битди. У «Ўзбекбирлашув» базасига Ж. Муқимов ва В. Саттороваларни олиб келиб, ҳовлида турган «Урал» мотоциклларини кўрсатади. Абдуқодиров шу мотоцикллардан бири эртага уларнинг қўлида бўлишини, уларнинг кафтига «бахт қуши» қўнганлигига роса ишонтиради.

Орадан кунлар ўтди. Мотоцикл ишқивозлари ўзларининг алданганликларини сезиб Абдуқодировни қидиришга тушадилар. Товламачи тасодифан улар билан юзма-юз келгач, қочмоқчи бўлади. Лекин, ҳушёр тортган Ж. Муқимов, В. Саттороваларнинг уни милицияга олиб келишади.

Милиция ходимлари фигрибгарнинг уйида тинтув ўтказишди. У софдил одамларни илондай авраб, текинхўрлик билан ҳаёт кечираётганлиги аён бўлди. Масалан, С. Эгамбердиевга «Волга», Тошкентдаги экскаватор заводининг ишчиси М. Горшковга «Запорожец» автомашиналарни олиб бераман, деб уларни ҳам ўз тузоғига илинтирмоқчи бўлган.

Бунинг устига Х. Сирота, Р. Гаязовналардан янги квартирага ордер олиб бераман деб мўмайгина пул олмоқчи бўлган.

Тошкент шаҳар, Киров район халқ суди Абдуқодировнинг ишини кўриб чиқди. Ҳеч қаерда ишламай, фигрибгарлик билан яшаб келган Абдуқодиров 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, уй мулки давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
М. СУЛАЙМОНОВА.

СУРАТДА: Ғафур Ғулом кўчасида қурилган маиший хизмат кўрсатиш биноси.

Э. Тўраев фотоси.

Редактор ўринбосари
М. КАРИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Кино

28, 29 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА

Асосий зарба (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11.30, 2, 4.30, кеч 7 ва 9.15 минутда).

Цирк пардаси ортида — «МОСКВА», «КЎКЧА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК», НАВОИ номли (кундуз ва кечқуруи).

Осмоннинг бир бўлаги — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 11, 3.30, 5 ва кеч 9 яримда). «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Ҳалоқ бўлган жавоб беради — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 ва 10 да), «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, 11.45, 1.30, 3.15, 5, кеч 6.45, 8.20 ва 9.45 минутда).

Лочин инсидан ва Оқ бўрилар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12,30 ва кеч 6 ярим).

Ажойиб характер — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Сариқ чамадончанинг саргузаштлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 , 2, 4 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Ҳалоқ бўлган жавоб беради — ТЕЛЬМАН номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

Катта сайр (2 серия) — «ХИВА».

30 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА

Асосий зарба (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Цирк пардаси ортида — «МОСКВА», «КЎКЧА» (тоқ соатларда). НАВОИ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқуруи).

Ҳалоқ бўлган жавоб беради — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 5, кеч 6.45, 10 яримда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8, 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқуруи).

Денгиз қўшиғи (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 да), **Эрлар комендировкада** (тоқ соатларда), **Осмоннинг бир бўлаги** (кеч соат 6, 8, 9.45 минутда): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Чингачгуи — Аждаҳо — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 11, 3 ва кеч 7 да).

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи)

Сариқ чамадончанинг саргузаштлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Осмоннинг бир бўлаги — «ТЕЛЬМАН номли.

Ҳалоқ бўлган жавоб беради — «ФЕСТИВАЛЬ».

Катта сайр (2 серия) — «ХИВА».

«СЕЛЬЭНЕРГОПРОЕКТ» УРТА ОСИЁ БЎЛИМИГА

(Рисовая кўчаси, 1-бурилиш, 9-уй).

электрчи-инженерлар, қурувчи-гидротехниклар, ҳисоб бўлимига катта бухгалтер, машинистка

КЕРАК

Ишчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29, 30 ИЮНЬ, КЕЧ СОАТ 8 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Қундуз МИРКАРИМОВА, Муҳаммаджон МИРЗАЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Меҳри АБДУЛЛАЕВА;

Солистлар: Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Уринбой ОТАЖОНОВ, Анвар НАЗАРХОНОВ, Азим АЗИЗОВ, Роҳатой МАННОНОВА, Сора ШУКУРОВА.

Тўхтасин Жалилов номидаги

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИ.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

„ЧАЙКА" КИНОТЕАТРИДА

ЯНГИ, РАНГЛИ, САРГУЗАШТЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

„ШЕР ҲАМЛАГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА"

НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

СЕАНСЛАР: эрталаб соат 10, кундуз 11.45, 1.30, 3.15, 5, кеч 6.45, 8,20 ва 9.45 минутларда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Справка учун телефонлар: 77-35-43, 77-06-26.

ИШГА ТАКЛИФ:

«ЎЗСОВЕТ КУРОРТ»ГА («Правда Востока» кўчаси, 21-уй, 2-қават, 18-хона).

Тошкент областида жойлашган дам олиш уйларида ишлаш учун бухгалтерлар, официантлар, ошпазлар, палаталарда хизмат кўрсатувчилар (аёллар), ёрдамчи ишчилар, баянист-аккардионичилар

КЕРАК

ТОШКЕНТ БАДИИЙ «РАССОМ» КОМБИНАТИГА

(Цеховая кўчаси, 32-уй)

Бош бухгалтер, машина ишчилари

КЕРАК

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ДОРУСига

(Гоголь кўчаси, 94-уй, 179-хона).

Қишлоқ хўжалик бўлимига зоотехник, ДорУРС ревизори, техника хавфсизлик бўйича инженер

КЕРАК

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА

(Навоий кўчаси, 13-уй, 2-қават)

бўёқчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, тунукачилар, гишт терувчилар, бухгалтерлар, машинисткалар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Телевизор

28 ИЮНЬ

ДУШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.20 Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 19.40 «Бонивур қалби». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 1-сериями. **Ўзбек тилида:** 20.40 Тожикистон санъат усталарининг концерти. 21.15 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 21.55 Оламда нима гап? 22.25 Телевизион театр. Жек Лондон. «Мартин Иден» Телеспектаклининг 2-қисм премьераси. 23.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.20 «Звезда Востока» журнали саҳифаларида. **Москва кўрсатади.** 19.00 Эфирда «Молодость». 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.10 «Жамила». Бадиий фильм. 21.30 Колония залида СССР Ёзувчиларининг V съездига бағишланган адабий кеча. 23.00 Рангли телевидение. Ҳозирги замон хореографиясида классик адабий сюжетлар.

29

ИЮНЬ

СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.03 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун. «Нептун» клуби мукофоти учун. 13.45 Рангли телевидение. «Икки-Леонид-икки». Бадиий фильм. 14.50 Мусиқали киоска. 15.20 Янгиликлар. 15.25 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. **Тошкент кўрсатади.** 16.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.00 Ўсмирлар учун. «Парвоз қилинг, кабутарлар, парвоз қилинг!». 18.00 ДЎСТЛИК вилояти. 19.30 «Бонивур қалби». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 2-сериями. **Ўзбек тилида:** 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.45 Бир актёр театри. Худойберди Тўхтабоев. «Муҳаббат қўшиғи». 21.10 «Бошлиқ 12 да келади». Бадиий фильм. 22.25 «Ўзбекистон чорвадори» программаси. 23.10 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1941 йил ҳақидаги сериями. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 «Оқ тунлар» санъати фестивали якунловчи концертининг давоми.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Тўрт таянч ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 18.35 Социализм дунёси. 19.00 В. В. Андреев номидаги IV Москва конкурси лауреатларининг концерти. 19.30 Рангли телевидение. «Узукдаги кўз». 20.05 Янгиликлар. 20.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 20.35 М. Колесников. «Таълаш ҳуқуқи». Телевизион спектакль. 22.00 «Узоқ разведка». Ҳужжатли фильм. 22.30 «Оқ тунлар» санъати фестивалининг якунловчи концерти.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида: 18.00 Болалар учун. Кинофильм. 18.30 «Олеся Довбуш». Бадиий фильм. 20.00 **Ўқув кўрсатувлари программаси.** Абитуриентлар учун. Физика. **Рус тилида:** 21.00 Реклама. 21.20 «Доктор Рот шубҳа остида». Бадиий фильм.

Радио

28

ИЮНЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.10 Совет Иттифоқи музика маданияти. Д. Ойстрах. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 С. Эминнинг янги шеърлари (татарча), 17.20 Қозоқ куйлари. 18.00 «Коммунист ва бепш йиллик». (русча). 18.10 Халқ талантлари концерти. 19.20 Бойсун районя «Шалола» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.00 «Юность Узбекистана» радиостанцияси-нинг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт. 22.15 Композитор Р. Рамазонов қўшиқлари. 22.40 «Замондошларимиз». Адабий эшиттириш (ўзбекча). 23.15 «НУРХОН» музикали драмасининг монтажи.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбекистон композиторларининг хор қўшиқлари. 19.30 Г. Свиридов ва Е. Светланов романслари. 20.00 «Чорва академиги». Адабий эшиттириш (тожикча). 20.20 Куйлар. 20.30 «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали (русча). 21.00 М. Горикули. «Ким айбдор». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). 21.40 Москва.

29

ИЮНЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Увертюралар. 8.25 Ўзбек халқ куйлари. 9.30 Б. Умаржонов, Д. Зокиров. «Аср овози» кантатаси. 10.30 Н. Ахвердов. «Кекса созанда». 11.15 «Фан ва ишлаб чиқариш» туркумидан (ўзбекча). 11.30 Ғ. Қодиров. Рақс сюитаси. 12.15 «Танбур ва дутор тароналари». Музикали эшиттириш. 13.30 Л. Мондрус ва В. Мулерман ижросида қўшиқлар.

16.10 «Олтин водий» санъаткорлари». Радиокомпозиция (ўзбекча), 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 18.00 «Ғўзалар суғорилмоқда» (русча). 18.10 Ўзбек классик қўшиқларидан «ФЁРУЗ» ва «ИРОҚ». 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 Қорақалпоқ куйлари. 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.50 «Саломатлик— тумон бойлик» (ўзбекча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 22.15 Опералардан ариялар. 22.40 Совет романи антологияси. Г. Марков. «Она ер» романидан боблар (ўзбекча). 23.15 Дам олиш концерти. 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус композиторлари операларидан ва балетларидан парчалар. 9.15 Реклама.

19.00 А. Е. Хочнер. «Э. Хемингуэйнинг сўнгги кунлари» (ўзбекча). 19.30 Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш. 20.00 Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). 20.30 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 20.50 «Шаҳарлар, уларнинг лабораторияси». Арманистон радиосининг эшиттириши (ўзбекча). 21.00 У. Норматов. «Китоб қаҳрамонлари, замонамиз қаҳрамонлари». Суҳбат (ўзбекча). 21.40 Москва.

4 бет **ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

28 ИЮНЬ. 1971 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП УЗБЕКИСТАНА и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР А—2589. Р—04202.